



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
<b>Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов</b> Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
<b>Шокиржон Шарипжонович Банноев</b> Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
<b>Shahloxon Shavkatovna Sharifova</b> Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
<b>Акмал Алимжонович Салимов</b> Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
<b>Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova</b> Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
<b>ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Нозир Алиевич Ибрагимов</b> Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
<b>Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
<b>Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov</b> O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
<b>Зарина Ҳусановна Рафиева</b> Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Рўзибой Нормухаматов, Акрам Джуракулович Ғафуров</b> Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
<b>Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова</b> Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
<b>Раънохон Махмудовна Каримжанова</b> Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
<b>Музаффар Мусаевич Усмонов</b> К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

<p><b>Р.Нормахматов, А.Гафуров</b>  <b>Знание научной основы хранения сельскохозяйственных продуктов - важный фактор сокращения потерь при хранении</b></p>	<p><b>R. Normakmatov, A. Gafurov</b>  <b>Knowledge of the scientific basis for the storage of agricultural products is an important factor in reducing storage losses</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> В статье представлена информация о необходимости создания в хранилищах оптимальные режимы хранения, т.е. температура, относительная влажность воздуха, газовой среды с целью сокращения потерь при хранении и дается ряд предложений по сокращению потерь плодоовощной продукции.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> картофель, плод, овощ, дыхание, температура, относительная влажность, газовая среда.</p>	<p><b>Abstract:</b> The article provides information on the need to create optimal storage modes in storages, i.e. temperature, relative humidity of air, gaseous environment to reduce storage losses and offers suggestions for reducing storage losses of fruit and vegetable products.</p> <p><b>Keywords:</b> potato, fruit, vegetable, respiration, temperature, relative humidity, gas environment.</p>

**Умар Худайбердиев** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Нилуфар Зиябаевна Юлдашова** – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси ассистенти

### ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕҲҚОНЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА УНИНГ МУАММОЛАРИ

**Аннотация:** мақолада мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар натижалари, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришдаги ютуқлар, кластерларнинг ташкил этилиши, деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришдаги муаммолар ва уларнинг ечими баён қилинган.

**Калит сўзлар:** қишлоқ хўжалиги ислохотлари, деҳқон хўжалиги, агрокластер, мева-сабзавотлар, интенсив усул.

**Кириш:** Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигида ҳам бозор муносабатларини жорий этиб хусусий фермер ёки деҳқон хўжаликлари ташкил этилди. Аграр ислохотлар мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўлиб, аввалгидек бўлган пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш вазифаси қўйилади. Натижада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ўзгариш бўлиб, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса буғдой, картошка, турли ҳил сабзавотлар ҳажми кўпайди, экинларнинг ҳосилдорлиги ошди. Қишлоқларда фермер ва деҳқон хўжаликларига барча турдаги хизматларни кўрсатувчи муқобил МТПлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотувчи шохобчалар, мини-банклар, ҳамда тайёр маҳсулотларини сотиб олувчи турли уюшмалар ташкил этилди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Аграр соҳада деҳқончилик маҳсулотларни етиштириш борасида илмий-назарий ва методологик муаммолари ва унинг услубий масалалари билан мамлакатимизда бир қатор иқтисодчилар шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Ё.А.Абдуллаев, Пардаев М.Қ., Муртазаев О., Мирзаев Қ.Ж., Холикулов А.Н., Худайбердиев У.Х. кабиларни киритишимиз мумкин; ушбу олимлар мавзуга оид муҳим илмий изланишлар олиб борганлар.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот иш жараёнида рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда агросервис хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишини ўрганишнинг илмий усуллари - экспериментал тадқиқот, унумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилниги мантиқий ва таққослама усуллари, статистик таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Қарорига мувофиқ пахта ва ғалладан қисқартирилган паст ҳосилли 200 минг гектар ерни захирага олиб, уларни имкони борича

деҳқон хўжалиқларини ташкил қиладиган аҳолига 10 йилга ижарага бериш, ҳамда бу ерларда сабзавот, полиз ва мойли (зиғир, кунжут, кунгабоқар каби) экинлар экиш белгиланган. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолисининг маълум қисми иш билан таъминланиб, етиштирилган маҳсулотини сотиб, даромад оладиган бўлади. Шу билан бирга аҳолига маҳсулотлар таъминоти яхшиланиб, нарх барқарорлиги таъминланади, ортиқча қисми эса экспортга йўналтирилади. Кўрилган агроислоҳотлар, чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда етиштирилаётган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 2015 йилда мамлакатимизда 28918,3 млрд. сўмлик деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилда барча хўжалиқлар томонидан 123858,8 млрд. сўмлик, 2021 йилда эса 152130,4 млрд. сўмлик маҳсулот етиштирилган, яъни бу – 5,3 баравардан кўп дегани. Деҳқончилик маҳсулотларининг харид нархларининг ўзгариши ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Масалан, 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори билан 1 тонна буғдойнинг нархи 1 млн 500 минг сўмдан 2022 йил 1 июндан бошлаб, 1 тонна буғдойни бозор нархлари асосида 3 миллион сўмдан (2 баравар оширилиб) қабул қилиш белгиланди. Натижада буғдой етиштирувчи хўжалиқлар аввал харажатларини қопламасдан, зарар кўрган бўлсалар, бозор нархларида эркин сотиш ҳуқуқи берилгани сабабли даромад оладиган бўлдилар.

Деҳқончилик маҳсулотларининг кейинги йилларда кўпайиш натижаларини уларнинг натура ҳажмдаги кўрсаткичлари яққол ифодалайди. Шунинг учун асосий деҳқончилик маҳсулотларининг етиштириш ҳажмларини кўриб чиқамиз.

1-жадвал

**Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларининг 2010-2021 йилларда етиштирилиши <sup>1</sup>**

№	Кўрсаткичлар (минг тон.)	Йиллар				
		2010	2015	2020	2021	2021 йил 2010 йилга нисбатан % да
1	Дон Шу жумладан: Буғдой	7504,3	8173,5	7636,0	7634,6	101,7
		6745,0	6964,7	6157,8	5984,8	88,7
2	Пахта хом ашёси	3442,8	3361,3	3064,0	3372,9	97,9
3	Картошка	1694,8	2696,9	3143,8	3285,6	193,8
4	Сабзавотлар	6346,5	10129,3	10431,4	10850,2	171,0
5	Озиқбоп полиз	1182,4	1853,6	2134,4	2285,3	193,2
6	Мева ва резаворлар	1710,3	2746,1	2812,6	2852,6	166,8
7	Узум	987,3	1579,3	1606,9	1695,3	174,0

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, дон, пахта хом-ашёси маҳсулотларидан бошқа барча деҳқончилик маҳсулотлар етиштириш 2021 йилга келиб, 2010 йилга нисбатан жуда юқори суръатлар билан кўпайган. Бунга сабаб, юқорида таъкидлаганидек ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалла ерларини мева ва сабзавотлар экишга районлаштириш, ҳамда уларнинг ҳосилдорлигини кўтариш (ошириш) бўйича қилинган ишлар натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш Мирзиёевнинг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида мева-сабзавотларни етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган кластерларни ташкил этиш белгиланган. Мева-сабзавотчилик кластерлари деҳқон хўжалиқларига шартнома асосида сара, ҳосилдор, зараркунандаларга чидамли уруғлар, керакли ўғитлар, техникалар ва шу каби хизматлар бўйича ёрдам беради. Деҳқон хўжалиқларда етиштирилган ҳосилни шартнома бўйича

<sup>1</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

сотиб олади, қайта ишлайди, аҳолини “даладан-растагача (бозоргача)” тамойили асосида мева-сабзавот билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни режалаштириш, мева-сабзавотларни интенсив усулда етиштириш, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли уруғ навларини яратиш, барча турдаги хизматлар кўрсатувчи марказлар ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш белгиланган.

**Хулоса ва таклифлар.** Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича эришилган ютуқлар билан бир вақтда бу соҳада камчилик ва муаммолар ҳам бор. Бу муаммолар куйидагилардан иборат:

- фермер ва деҳқон хўжалик раҳбарларининг маҳсулотлар етиштириш ва уни сотиш бўйича билим ва тажрибасининг етишмаслиги;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати сифатли эмаслиги;
- фермер хўжаликлари ва кластерлар билан тузилган шартнома шартларининг вақтида ёки тўлиқ бажарилмаслиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куйидаги тавсияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- деҳқончилик маҳсулотларини етиштирувчи ва уни қайта ишловчи корхоналар ўртасида маҳсулот етказиб бериш ва уни қабул қилиб олиш борасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш;
- ахборот алмашилишида рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш зарур;
- деҳқончилик маҳсулотларини етиштирувчи ва уларни қайта ишловчи корхоналар ўртасида дебитор ва кредитор қарздорлик ортиб кетишининг олдини олиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш, ушбу соҳада ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг самарали тизимини шакллантириш;
- қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, янги ва истикболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берадиган навларни жойлаштириш.

Ушбу камчиликларнинг бартараф этилиши, деҳқончилик маҳсулотларининг янада кўпайиши ва фермерларни даромадли бўлишига хизмат қилади. Серқуёш ўлкамизда етиштирилган деҳқончилик маҳсулотлари, айниқса мева-сабзавотлари, қовун, тарвузлари тотли, таркиби инсон саломатлиги учун зарур витамин ва микроэлементларга бой. Шунинг учун бу маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини қондириш билан бир вақтда, чет мамлакатларга экспорт ҳам қилинади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги ПҚ- 20-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-52-сонли Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июндаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-273-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-262-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини самарадор ва рақобатбардош қилиш йўллари. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/07/08/agriculture/>

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. – Т.: 2020 й.

<p style="text-align: center;"><b>У.Худайбердиев, Н.Юлдашова</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Производство сельскохозяйственной продукции в Узбекистане и ее проблемы</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье приведены итоги аграрных реформ в Узбекистане, достижения в производстве сельскохозяйственной продукции, организация кластеров, проблемы в производстве сельскохозяйственной продукции и пути их решения.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> сельскохозяйственные реформы, фермерское хозяйство, агрокластер, овощи и фрукты, интенсивный метод.</p>	<p style="text-align: center;"><b>U.Khudaiberdiev, N.Yuldashova</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Agricultural production in Uzbekistan and its problems</b></p> <p><b>Abstrakt:</b> the article presents the results of agrarian reforms in Uzbekistan, achievements in the production of agricultural products, the organization of clusters, problems in the production of agricultural products and ways to solve them.</p> <p><b>Keywords:</b> agricultural reforms, farming, agrocluster, vegetables and fruits, intensive method.</p>
--	--

**Раънохон Махмудовна Каримжанова** – НамМТИ, “Маркетинг” кафедраси катта ўқитувчиси

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

<p><b>Аннотация:</b> мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ва унинг бозори тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари чакана савдоси ва унда қандолат маҳсулотларининг улуши, сўнгги йиллардаги кўрсаткичлари қиёсланган. Ҳамда, қандолат маҳсулотлари бозорининг ўзига хос хусусиятлари ва мавжуд муаммолари ёритилган, айрим тавсиялар келтирилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> озиқ-овқат маҳсулотлари бозори, қандолат маҳсулотлари, улуш, қандолат маҳсулотлари бозори хусусияти.</p>
--

**Кириш.** Дунёнинг кўплаб давлатлари озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлидаги мураккаб масаланинг ечими устида тинимсиз изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини нафақат таъминлаш, балки мустаҳкамлаш борасида сўнгги йилларда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш замонавий савдо ва логистика марказларини ташкил этиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ички бозорга тизимли етказиб берилиши ҳамда, уларнинг нархлари ошиб кетмаслиги юзасидан доимий мониторингни амалга ошириш; озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича дунё бозорларидаги талаб ва таклиф мувозанати, қутилаётган ижобий ва салбий конъюнктура ўзгаришлари, ички бозор учун юзага келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаб бориш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган ва амалга оширилиб келинмоқда<sup>1</sup>.

Сўнгги йилларда глобал миқёсда қузилаётган пандемияни озиқ-овқат таъминотида ва унинг бозорига салбий таъсирларини юмшатиш, ҳамда бартараф этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Юртбошимиз ўзларининг нутқларида, глобал пандемия озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлаганлигини, шу боисдан ҳам асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида импорт соҳасидаги бож тўловлари бўйича берилган имтиёзлар яна бир йилга узайтирилишини таъкидлаб ўтдилар. Халқимиз учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, бу борада

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4821-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/4990322>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 15 мартдаги “Ички истеъмол бозорини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 135-сонли Қарори. <https://lex.uz/docs/5331584>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023